



5 у.г. "18" апрел

№ 523-к Самарқанд t-р Самарқанд

**“Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Оқмачит” маҳалласида  
фуқаро Султонова Фируза Санатовнага маиший хизмат кўрсатиш  
шаҳобчаси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида.**

“Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Оқмачит” маҳалласида яшовчи фуқаро Султонова Фируза Санатовна туман ҳокими номига “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Оқмачит” маҳалласи ҳудудидан маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосаси, “Қишлоққурилишлойиҳа” масъулияти чекланган жамиятининг 2014 йил 3 ноябрдаги 11-14/528 сонли хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тadbирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тadbиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларига асосан

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н :**

1. “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Оқмачит” маҳалласида яшовчи фуқаро Султонова Фируза Санатовнага “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Оқмачит” маҳалласи ҳудудидан маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси қуриш учун 115,5 м.кв қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Султонова Фируза Санатовнага маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров